

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**24-сон**  
**(1096)**  
**2023 йил**  
**июнь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

217. «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 16 июндаги ЎРҚ–848-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

218. «Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги ПФ–93-сон Фармони [Кўчирма]

219. «Маъмурий ислохотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 июндаги ПФ–94-сон Фармони

220. «Фаол ишбилармонлик муҳитини шакллантиришни янада рағбатланти-

риш, солиқ мажбуриятини бажаришда аҳоли томонидан ортиқча харажатларга йўл қўймаслик ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 июндаги ПҚ–192-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

221. «Жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг эҳтиёждан ортиқча қисмини сотиш тартибини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 июндаги 247-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

222. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2023-yil 15-maydagi 11-2023/B-son “Xodim bilan to‘liq yakka tartibdagi moddiy javobgarlik yoki jamoaning (brigadaning) to‘liq moddiy javobgarligi to‘g‘risida shartnoma tuzish bo‘yicha tavsiyalarni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 12-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3443*)
223. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 6 июндаги 21-2023/Б-сон «Вино ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1754-4*)
224. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 6 июндаги 22-2023/Б-сон «Фармацевтика ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1887-2*)
225. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 6 июндаги 23-2023/Б-сон «Автоклавларда ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1913-1*)
226. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 6 июндаги 24-2023/Б-сон «Соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг ошхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги*

*томонидан 2023 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1940-2)*

227. Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазирининг 2023 йил 30 майдаги 3-сон «Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларни техник жиҳатдан текшириш тартиби тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2558-2)*)
228. Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазирининг 2023 йил 30 майдаги 4-сон «Портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2803-2)*)
229. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йил 18 майдаги 352-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил 17 майдаги 21-сон ва Миллий гвардиясининг 2023 йил 4 майдаги 1/1Е-709-сон «Суд бинолари, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 25-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981-4)*)
230. O'zbekiston Respublikasi maktabgacha va maktab ta'limi vazirining 2023-yil 5-iyundagi 3-mh-son "Umumiy o'rta ta'lim muassasasining kuzatuv kengashi haqidagi namunaviy nizomga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 16-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3118-2)*)
231. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 9 июндаги 27-2023/Б-сон «Каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1951-2)*)
232. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 9 июндаги 28-2023/Б-сон «Чой ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1957-2)*)
233. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 9 июндаги 29-2023/Б-сон «Иккиламчи хом ашё

- тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1966-3*)
234. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик ва-зирининг 2023 йил 9 июндаги 30-2023/Б-сон «Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1967-3*)
235. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик ва-зирининг 2023 йил 12 июндаги 32-2023/Б-сон «Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1755-4*)
236. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик ва-зирининг 2023 йил 12 июндаги 33-2023/Б-сон «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1971-2*)
237. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик ва-зирининг 2023 йил 12 июндаги 34-2023/Б-сон «Отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1973-1*)
238. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик ва-зирининг 2023 йил 14 июндаги 46-2023/Б-сон «Сигирлар ва насл буқаларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1977-1*)
239. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик ва-зирининг 2023 йил 14 июндаги 43-2023/Б-сон «Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2067-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****217 Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
17 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 6 апрелда  
маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунчилик**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**давлат ҳисобидан юридик ёрдам** — ушбу Қонунда белгиланган тартиб-таомиллар ва шартларга мувофиқ тўлиқ ёки қисман давлат ҳисобидан кўрсатиладиган, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган малакали юридик ёрдам;

**Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестри** — давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида ушбу Қонунга мувофиқ шартнома тузган адвокатлар ҳақидаги маълумотлар базаси;

**«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими** — кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар базаси;

**кам таъминланган шахс** — «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими воситасида кам таъминланган шахс деб эътироф этилган шахс;

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июнда эълон қилинган.

«Юридик ёрдам» ахборот тизими — тасодифий электрон тарзда танлаб олиш йўли билан жисмоний шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишга адвокатларни жалб этиш, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган ва давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажариш учун мўлжалланган махсус электрон ахборот тизими.

#### **4-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги асосий принциплар**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

шаффофлик;

холислик, касбий маҳорат ва билимга эгалик;

камситишга йўл қўймаслик;

Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига ва адвокат қасамёдига қатъий риоя этиш;

адвокатлик сирига риоя этиш;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

#### **2-боб. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

#### **5-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг самарали миллий тизимини яратиш ва ривожлантириш;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояга доир ҳуқуқларини ва давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш кафолатларини таъминлаш.

#### **6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

адвокатлар томонидан давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш миқдори ва тартибини белгилайди;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини бошқаради;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги давлат дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрини юритади;

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритилиш истагини билдирган адвокатлар билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар тузилишини таъминлайди ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширади;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан тизимли мониторингни ташкил этади;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш чораларини кўради;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини молиялаштириш масаласи бўйича навбатдаги давр учун бюджет сўровларини шакллантиради;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилади ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида давлат органлари ва адвокатлар ўртасидаги ҳамкорлик тизимини мувофиқлаштиради.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**3-боб. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш асослари ва тартиби**

**8-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи шахслар**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат Давлат ҳисобидан юридик ёрдам



кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритилган адвокатлар томонидан кўрсатилади.

**9-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар**

Қуйидаги жисмоний шахслар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга:

- 1) кам таъминланган шахслар, агар улар:  
фуқаролик ишлари бўйича даъвогарлар ёки жавобгарлар;  
маъмурий ишлар бўйича аризачилар;  
маъмурий қамоқ тарзидаги маъмурий жазо назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар;  
жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, шунингдек маҳкумлар бўлса;
- 2) рухий ҳолати бузилган жисмоний шахслар, уларга «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда;
- 3) ўз ҳуқуқлари бузилган, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига назарда тутилган хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахслар;
- 4) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят иши бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи.

**10-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар:

- ушбу Қонунда белгиланган тартибда ва ҳолларда давлат ҳисобидан малакали юридик ёрдам олишга;
- давлат ҳисобидан юридик ёрдам олишни рад этишга;
- ўзларига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилиши чоғида олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этилишини талаб қилишга;
- махсус ваколатли давлат органи ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар:

- давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун мурожаат қилганда ҳаққоний ва тўлиқ ахборот тақдим этиши;
- давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилишига таъсир этувчи ҳолатлар тўғрисида махсус ваколатли давлат органини ўз вақтида хабардор қилиши;
- давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун ўзлари ёлгон ёки чалғитувчи маълумотлар тақдим этганлиги фактлари тасдиқланган тақдирда, давлат

ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **11-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам ушбу Қонун 9-моддасининг 1-бандида кўрсатилган жисмоний шахсларга фуқаролик ишлари бўйича судларга ва маъмурий судларга тааллуқли бўлган қуйидагилар ҳақидаги ишлар бўйича кўрсатилади:

ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш тўғрисидаги;

ишга тиклаш ҳақидаги;

иш ҳақини ундириш тўғрисидаги;

алиментларни ундириш ҳақидаги;

уйга киритиш, турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ва кўчириш тўғрисидаги;

меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиқнинг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек боқувчининг вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 991-моддасида назарда тутилган тартибда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органларининг ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам ушбу шахслар томонидан маъмурий қамок тарзидаги маъмурий жазо назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолларда кўрсатилади.

Руҳий ҳолати бузилган жисмоний шахсларга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда давлат ҳисобидан юридик ёрдам:

ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилиш;

тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш;

жиноят, фуқаролик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд-психиатрия экспертизасини ўтказиш чоғида кўрсатилади.

Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги тўғрисидаги ишларни судларда кўриш чоғида давлат ҳисобидан юридик ёрдам хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг қуйидаги йўналишлари бўйича кўрсатилади:

давлат фуқаролик хизмати соҳасида;

сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда;

иқтисодий соҳада ҳамда тадбиркорлик фаолиятида;

меҳнат муносабатларида;  
ижтимоий ҳимоя соҳасида;  
оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида;  
таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида.

Агар шахс гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи бўлиб қолса, давлат ҳисобидан юридик ёрдам Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда кўрсатилади.

Агар кам таъминланган шахс маҳкум бўлиб қолган тақдирда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам қонунчиликда белгиланган тартибда кўрсатилади.

### **12-модда. Адвокатни Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритиш ва ундан чиқариш тартиби**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритилиш истагини билдирган адвокат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш учун «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали махсус ваколатли давлат органига электрон тарзда мурожаат қилади.

Адвокатнинг Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритиш ҳақидаги мурожаати махсус ваколатли давлат органи томонидан мурожаат келиб тушганидан кейин уч иш куни ичида кўриб чиқилади. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома адвокат ва махсус ваколатли давлат органи ўртасида тузилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома тузилганидан кейин адвокат Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритилади.

Адвокат қўйидаги ҳолларда Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестридан чиқарилади:

адвокат билан тузилган давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда;

адвокат билан тузилган давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома бекор қилинганда;

адвокатнинг мақоми тўхтатиб турилганда;

адвокатнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига доир лицензиясининг амал қилиши тугатилганда.

### **13-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам махсус ваколатли давлат органи ва адвокат ўртасида электрон шаклда тузиладиган шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) асосида кўрсатилади.

Шартномада қўйидагилар кўрсатилади:

адвокат ҳақидаги маълумотлар, унинг гувоҳномаси реквизитлари кўрсатилган ҳолда;

шартноманинг предмети;

шартноманинг амал қилиш муддати;  
адвокат томонидан давлат ҳисобидан кўрсатиладиган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш шартлари;  
тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Шартнома мазмунига доир ушбу Қонунда назарда тутилмаган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

#### **14-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрини юритиш тартиби**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестри «Юридик ёрдам» ахборот тизими доирасида махсус ваколатли давлат органи томонидан электрон тарзда шакллантирилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрида адвокат ҳақидаги қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестридаги рақам;

адвокатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига доир лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

адвокат ўз фаолиятини амалга ошираётган адвокатлик тузилмасининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва телефон рақами;

адвокат қайси ҳудудлар доирасида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш истагини билдирган бўлса, ўша ҳудудлар номи;

адвокатнинг рухсат этилган ихтисосликлари турлари;

иш юритиш тили;

иш вақти;

адвокат билан тузилган шартнома ҳақидаги маълумотлар.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестри барчанинг фойдаланиши учун очиқдир.

#### **15-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишда «Юридик ёрдам» ахборот тизимидан фойдаланиш**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишда «Юридик ёрдам» ахборот тизимида қўйидаги вазифалар амалга оширилади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ҳужжатларни, ахборотни ва ҳисоботларни тўплаш;

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрини юритиш;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар билан шартномалар тузиш ва уларнинг ижроси устидан назорат қилиш;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатларнинг шахсий электрон кабинетларини шакллантириш;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатни автоматик равишда танлаш;

махсус ваколатли давлат органи, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг худудий бошқармалари, адвокатлар, судлар, прокуратура, суриштирув ва тергов органлари ҳамда бошқа давлат органлари ўртасида электрон ҳужжат айланишини таъминлаш.

«Юридик ёрдам» ахборот тизими махсус ваколатли давлат органи томонидан юритилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ маълумотларни «Юридик ёрдам» ахборот тизимига киритиш адвокатлик сирини ёки бошқа хизмат сирини ошкор этиш деб ҳисобланмайди.

### **16-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисида ариза бериш тартиби**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун жисмоний шахслар экстерриториаллик принципи асосида махсус ваколатли давлат органига оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Жисмоний шахслар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун қуйидагиларни тақдим этади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахснинг паспортига оид маълумотлар (идентификацияловчи ID-карта);

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахснинг вакили томонидан берилган тақдирда — жисмоний шахснинг вакилига берилган ишончнома ва (ёки) унинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ёхуд қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс ва унинг вакили ўртасидаги қариндошлик муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ариза руҳий ҳолати бузилган, психиатрия ёрдами кўрсатилаётган жисмоний шахснинг қонуний вакили ёки психиатрия муассасаси томонидан берилган тақдирда — психиатрия ёрдами кўрсатувчи психиатрия муассасасининг жисмоний шахсга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганлигини тасдиқловчи маълумотномаси;

ариза ўз ҳуқуқлари бузилган, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахс томонидан берилган тақдирда — хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги билан боғлиқ иш судда кўриб чиқиляётганлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза «Юридик ёрдам» ахборот тизимида рўйхатга олинади.

Ушбу модда иккинчи қисмининг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган ахборот махсус ваколатли давлат органи томонидан давлат органлари ўртасида электрон ахборот алмашинуви доирасида мустақил равишда электрон шаклда олиниши мумкин.

**17-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровни (ваколатли органнинг ёки муассасанинг ёхуд мансабдор шахснинг қарорини, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорини ёки суднинг ажримини) ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан юбориш тартиби**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров (ваколатли органнинг ёки муассасанинг ёхуд мансабдор шахснинг қарори, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими (бундан буён матнда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров деб юритилади) қуйидаги ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали юборилади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган даъвогарнинг ёки жавобгарнинг илтимосига кўра фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган аризачининг илтимосига кўра маъмурий суд томонидан;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳуқуқбузарнинг илтимосига кўра маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ва кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан;

жиноят иши бўйича давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг илтимосига кўра жиноят иши ўз иш юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва жиноят ишлари бўйича суд томонидан;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган маҳкумнинг илтимосига кўра жазони ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасаларнинг ҳамда органларнинг ваколатли мансабдор шахси томонидан;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсга психиатрия ёрдами кўрсатаётган психиатрия муассасаси томонидан;

ўз ҳуқуқлари бузилган ҳамда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахснинг илтимосига кўра суд томонидан.

Ишни юритаётган ваколатли органнинг (мансабдор шахснинг) давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган жисмоний шахс ҳақидаги ахборот, шу жумладан унинг паспортга оид маълумотлари (идентификацияловчи ID-карта), иш рақами ва тоифаси, иш юритиладиган тил ва давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган бошқа ахборот кўрсатилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровни юборишда ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган жисмоний шахснинг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»

ахборот тизимида ҳисобда турганлиги ҳақидаги маълумотлар «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали автоматик равишда текширилади.

Агар давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган жисмоний шахс «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида ҳисобда турган бўлса, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан «Юридик ёрдам» ахборот тизимида рўйхатга олинади ва кўриб чиқиш учун махсус ваколатли давлат органига юборилади.

Агар жисмоний шахс «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида ҳисобда турмаган бўлса, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров «Юридик ёрдам» ахборот тизимида рўйхатга олинмайди, бундан ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Агар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят иши бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлса, адвокат тайинлаш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган жисмоний шахс «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида ҳисобда туриши ёки турмаслигидан қатъи назар, «Юридик ёрдам» ахборот тизимида рўйхатга олинади.

**18-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги аризани ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровни кўриб чиқиш тартиби**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров махсус ваколатли давлат органига келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида кўриб чиқилади, бундан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган, жиноят ишлари бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар ва муддатлар мустасно.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги аризани ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровни кўриб чиқишда қуйидагилар текширилади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги аризада ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровда баён этилган масалаларнинг ушбу Қонуннинг 11-моддасида назарда тутилган давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхатига мувофиқлиги;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахснинг вакили томонидан берилган тақдирда — жисмоний шахснинг вакилига берилган ишончнома ва (ёки) унинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ёхуд қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс ва унинг вакили ўртасидаги қариндошлик муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ариза руҳий ҳолати бузилган, психиатрия ёрдами кўрсатилаётган жисмоний шахснинг қонуний вакили ёки психиатрия муассасаси томонидан берил-

ган тақдирда — жисмоний шахсга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганлиги ҳақидаги ахборот;

ариза ўз ҳуқуқлари бузилган, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахс томонидан берилган тақдирда — хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги билан боғлиқ иш судда кўриб чиқиляётганлиги ҳақидаги ахборот.

Ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан ушбу Қонун 9-моддасининг 1-бандида кўрсатилган жисмоний шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров юборилган тақдирда, шахснинг «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими воситасида кам таъминланган шахс деб эътироф этилганлиги ҳақидаги ахборот «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали автоматик равишда текширилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги аризани ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровни кўриб чиқиш яқунлари юзасидан махсус ваколатли давлат органи тегишинча ариза берган жисмоний шахсни ёки сўров юборган ваколатли органни (мансабдор шахсни) давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақида ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни рад этиш тўғрисида хабардор қилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги аризада ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровда кўрсатилган ахборот ушбу Қонун талабларига мувофиқ бўлган тақдирда, махсус ваколатли давлат органи томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, қарор «Юридик ёрдам» ахборот тизимида рўйхатга олинади.

### **19-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни рад этиш асослари**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўров ушбу Қонун талабларига мувофиқ бўлмаганда;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза жисмоний шахснинг вакили томонидан унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, жисмоний шахс ва унинг вакили ўртасидаги қариндошлик муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмасдан берилганда;

психиатрия ёрдами кўрсатувчи психиатрия муассасасининг жисмоний шахсга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганлигини тасдиқловчи маълумотномаси мавжуд бўлмаганда;

хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги билан боғлиқ иш судда кўриб чиқиляётганлиги тўғрисидаги маълумотнома мавжуд бўлмаганда;

жисмоний шахс (унинг вакили) томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ёлгон ёки нотўғри ахборот мавжуд бўлганда;



жисмоний шахсга илгари фуқаролик ишлари ёки маъмурий ишлар бўйича айни ўша тарафлар ўртасидаги низо юзасидан айни ўша предмет тўғрисидаги ва айни ўша асослар бўйича ҳуқуқий ҳимоянинг барча воситалари қўлланилган ҳолда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилган бўлса (бундан янги очилган ҳолатлар бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ҳоллари мустасно).

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш рад этилган тақдирда, махсус ваколатли давлат органи давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисида ариза берган жисмоний шахсни ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақида сўров юборган ваколатли органни (мансабдор шахсни) рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда хабардор қилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш рад этилганлиги устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

**20-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатни «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали танлаш тартиби**

Махсус ваколатли давлат органининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қарори ёки адвокат тайинлаш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими «Юридик ёрдам» ахборот тизимида рўйхатга олинганидан кейин «Юридик ёрдам» ахборот тизими давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлардан бирини автоматик равишда танлайди.

«Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали адвокатни танлашда унинг ихтисослашуви, адвокат қайси ҳудуд доирасида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича ўз фаолиятини амалга ошираётган бўлса, ўша ҳудуд ва иш юритиш тили инобатга олинади.

«Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали танланган ҳамда тегишли ишда ўзининг иштирок этишини тасдиқлаган адвокат қонунчиликда белгиланган муддатларда ва тартибда юридик ёрдам кўрсатишга киришиши шарт.

«Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали танланган адвокат ҳақидаги ахборот давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисида ариза берган жисмоний шахсга ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақида сўров юборган ваколатли органга (мансабдор шахсга) жўнатилади.

Агар «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали танланган адвокат ишда иштирок этишни рад этадиган бўлса, у рад этиш асосларини дарҳол «Юридик ёрдам» ахборот тизимида киритиши керак.

«Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали адвокатни танлаш жараёни «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали танланган адвокатлардан бири ўзининг ишда иштирок этишини тасдиқламагунига қадар давом этади.

**21-модда. Адвокатни давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатларнинг навбатчилик жадвалига асосан ишда иштирок этиш учун жалб қилиш тартиби**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд махсус ваколатли давлат ор-

гани томонидан тасдиқланган давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатларнинг навбатчилик жадвалига асосан қуйидаги ҳолларда адвокатлардан бирини ишда иштирок этиш учун жалб қилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш зарур бўлганда;

техник муаммолар сабабли «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали адвокатни танлаш имконияти мавжуд бўлмаганда;

дам олиш ёки ишланмайдиган байрам кунлари бошланганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд адвокатни «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали танлаш имконияти мавжуд бўлмаганлиги ва ишда иштирок этиш учун навбатчи адвокат жалб қилинганлиги асослари ҳақидаги ахборотнинг мазкур ахборот тизими орқали онлайн режимда ишлаш имконияти бошланган пайтдан эътиборан ўн икки соатдан кечиктирмай киритилишини таъминлаши шарт.

### **22-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатни алмаштириш асослари ва тартиби**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокат Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестридан чиқарилган тақдирда ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда махсус ваколатли давлат органининг қарори асосида бошқа адвокат билан алмаштирилади.

Бир адвокатни бошқа адвокат билан алмаштириш чоғида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг узлуксизлиги таъминланади.

### **23-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни тугатиш асослари**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш махсус ваколатли давлат органининг қарори асосида қуйидаги асосларга кўра тугатилади:

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисида ариза берган жисмоний шахснинг аризасига кўра;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи жисмоний шахс «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида кам таъминланган шахслар тоифасидан чиқарилган бўлса;

қайси иш бўйича жисмоний шахсга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун илгари адвокат тақдим этилган бўлса, ўша иш бўйича мазкур жисмоний шахс бошқа адвокат билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган бўлса;

жисмоний шахснинг аризасида кўрсатилган масала бўйича юридик ёрдам кўрсатиш суднинг тегишли ҳукми, қарори ёки ажрими чиқарилганлиги муносабати билан яқунланган бўлса;

психиатрия муассасаси томонидан жисмоний шахсга психиатрия ёрдами ни кўрсатиш тугатилган бўлса;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олаётган жисмоний шахс вафот этган ёки вафот этган деб эълон қилинган ёхуд бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

давлат ҳисобидан юридик ёрдам олаётган шахс адвокатдан белгиланган тартибда ёзма равишда воз кечганда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган ҳолларда давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахснинг адвокатдан воз кечишига йўл қўйилмайди.

#### **24-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлигини тасдиқлаш**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киририлган адвокатлар қонунчиликда белгиланган тартибга ва Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдамни сифатли кўрсатиши шарт.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлигини тасдиқлаш учун адвокат томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисида маълумотнома тузилади. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотномада ишнинг рақами, ишда иштирок этган адвокатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилган жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ишда иштирок этиш кунлари кўрсатилади. Маълумотномада адвокат томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги билан боғлиқ бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш рад этилганлиги ҳақида адвокат, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ва ваколатли давлат органининг мансабдор шахси томонидан баённома тузилади ҳамда имзоланади, бундан ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш рад этилганлиги ҳақидаги баённомада ишнинг рақами, ишда иштирок этган адвокатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олишни рад этган жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ваколатли давлат органи мансабдор шахсининг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг лавозими, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олишни рад этиш сабаблари, адвокат ишда иштирок этган кунлар ҳамда адвокат томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқ бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокат алмаштирилган ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тугатилган ҳолларда, бу ҳақда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотномада ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш рад этилганлиги ҳақидаги баённомада қайд этилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотнома адвокат томонидан имзоланади. Бунда маълумотноманинг процессуал ҳаракатларни амалга оширишда адвокат иштирок этиши ҳақидаги қисми суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки тегишли ишни юритаётган бошқа ваколатли орган билан келишилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи адвокатдан воз кечганда адвокатдан воз

кечиш тўғрисидаги баённома Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда тузилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотнома, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш рад этилганлиги ҳақидаги баённома ёки адвокатдан воз кечиш тўғрисидаги баённома «Юридик ёрдам» ахборот тизимида тегишли адвокат томонидан киритилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ маълумотлар махсус ваколатли давлат органи томонидан текширилиши лозим.

Махсус ваколатли давлат органи адвокат томонидан кўрсатилган юридик ёрдамнинг сифати, муддатлари, ҳажми ва турини тасдиқлаш мақсадида давлат ҳисобидан юридик ёрдам олган жисмоний шахслардан ва ишни юритаётган ваколатли органдан (мансабдор шахсдан) ахборот сўраб олишга ҳақли.

#### **4-боб. Давлат ҳисобидан юридик ёрдамни молиялаштириш асослари ва тартиби**

#### **25-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдамни молиялаштириш асослари**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдамни молиялаштириш учун давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотнома ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш рад этилганлиги ҳақидаги баённома асос бўлади.

Иш юритиш тўхтатиб турилгунига қадар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсга амалда кўрсатилган юридик ёрдам иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорига ёки ваколатли давлат органининг (мансабдор шахснинг) қарорига ёхуд суднинг ажримида асосан давлат ҳисобидан молиялаштирилади.

Жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг адвокатдан воз кечиши билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатда адвокат иштирок этган ҳолларда адвокатдан воз кечиш тўғрисидаги баённома давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдамни молиялаштириш учун асос бўлади.

#### **26-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдамни молиялаштириш манбалари**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдамни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

#### **27-модда. Адвокатлар томонидан давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатган адвокатга ушбу Қонунга мувофиқ кўрсатилган юридик ёрдам учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда ва миқдорларда тўлов амалга оширилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокат ушбу Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ алмаштирилган тақдирда ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ушбу Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ тугатилганда амалда юридик ёрдам кўрсатган адвокатга тўлов амалга оширилади.

Давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдам учун адвокатга қонунчиликда белгиланган муддатда ва тартибда тўлов амалга оширилиши керак.

Давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдам учун адвокатга тўлов Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатга юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ хизмат сафари ва транспорт харажатларининг ўрни қонунчиликка мувофиқ қопланади.

### **28-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш тартиби**

Агар фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори давлат ҳисобидан юридик ёрдам олган жисмоний шахснинг фойдасига қабул қилинган бўлса, суд иккинчи тарафдан адвокатнинг ёрдамига ҳақ тўлаш бўйича давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қонунчиликда белгиланган миқдорда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети фойдасига ундириб олади, бундан иккала тараф ушбу Қонунга мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар деб эътироф этилган ҳоллар мустасно.

Жисмоний шахс ўзининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар тоифаларидан бирига киритилиши мақсадида ёлғон ёки чалғитувчи маълумотлар тақдим этганлиги факти аниқланган тақдирда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ барча харажатларнинг ўрни юридик ёрдам олган жисмоний шахс томонидан қопланади.

Адвокат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисида ёлғон ёки нотўғри маълумотлар тақдим этганлиги факти аниқланган тақдирда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни адвокат томонидан қопланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган жисмоний шахс томонидан ёки ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган адвокат томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш рад этилган тақдирда, бундай харажатлар суд тартибида ундирилади.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

#### **29-модда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**30-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**31-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**32-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 16 июнь,  
ЎРҚ–848-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# 218 Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида\*

#### [Кўчирма]

Республикада камбағалликка қарши курашиш жараёнини янги босқичга олиб чиқиш, бу ишларга тадбиркорлик субъектларини манфаатли ҳамкорлик асосида жалб қилиш ва уларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида:

1. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Савдо-саноат палатасининг «20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис» дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, Дастурда тадбиркорлик субъектлари уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этирилган «ҳамкорлик шартномалари» асосида ихтиёр равишда иштирок этади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) «ҳамкорлик шартномалари» қуйидаги тартибда тузилади:

51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратишни режалаштирган тадбиркорлик субъектлари билан — тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчилари) таклифларига асосан туман (шаҳар) ҳокими ва унинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари томонидан;

101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратишни режалаштирган тадбиркорлик субъектлари билан — ҳоким ёрдамчиларининг таклифларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда уларнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари томонидан;

200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратишни режалаштирган тадбиркорлик субъектлари билан — Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги таклифига асосан камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ҳамда иқтисодиёт ва молия вазири томонидан;

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 июнда эълон қилинган.

б) «ҳамкорлик шартномалари» лойиҳалари мос равишда Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади;

в) Савдо-саноат палатаси «ҳамкорлик шартномалари»ни тузган тадбиркорлик субъектларига Дастурда иштирок этаётганлигини тасдиқловчи сертификат беради ва уларга «ҳамкорлик шартномалари» тўлиқ бажарилиши юзасидан ҳар томонлама қўмаклашади;

г) «ҳамкорлик шартномалари»даги томонларнинг мажбуриятлари бажарилиши Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан назорат қилинади.

#### 4. Белгилаб қўйилсинки:

а) Дастурда камида икки йил фаолият кўрсатаётган ва устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлмаган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар иштирок этиши мумкин;

б) «ҳамкорлик шартномаси» уч йилгача муддатга тузилади ҳамда унда назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаганида тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ўрнатилган тартибда бекор қилинади ва имтиёз қўлланилиши натижасида тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида қолган суммалар қайтариб олинади;

в) Дастур билан камраб олинadиган тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар кесимидаги сони ва улар томонидан яратилadиган янги иш ўринлари параметрлари Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров) томонидан тасдиқланади.

5. 2023-2024 йилларда Дастурни амалга ошириш учун жами 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очилсин.

Бунда, Дастурга киритилган тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун 2023 йилда:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан тижорат банкларига 100 миллион АҚШ доллари эквивалентида кредит линияси очилади;

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан 1 триллион сўм йўналтирилади;

халқаро молия ташкилотларидан 200 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар жалб қилинади.

#### 6. Белгилансинки:

кредит линияси маблағлари Дастурга киритилган тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг мурожаатига асосан ажратилади;

кредит линияси маблағлари тижорат банкларига 10 йил муддатга, шу жумладан 3 йиллик имтиёзли давр билан 10 фоиз ставкада берилади;

кредит линияси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кредитлар (шу жумладан, ажратилган кредитларнинг сўндирилган қисми ҳисобидан) Дастурга киритилган тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини (молия соҳасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар бундан мустасно) амалга ошириш учун 7 йилгача муддатга 14 фоиз ставкада ушбу Фармонга 1-иловасига\* мувофиқ миқдорларда ажратилади.

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



7. Дастурга киритилган тадбиркорлик субъектларига ушбу Фармонга 1-иловасига мувофиқ табақалашган миқдорларда қуйидаги имтиёз ва преференциялар берилсин:

а) тадбиркорлик субъектлари томонидан «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»-га киритилган фуқаролар ишга қабул қилинганда, 2025 йил 1 январга қадар:

тадбиркорлик субъектлари ушбу фуқароларга камида бир йил давомида ҳар ой меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир баравари миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи тўлаб, бандлигини таъминлаган ва улар жами ишчилар сонининг камида 20 фоизини ташкил этганда, мол-мулк солиғи ва ер солиғидан имтиёз берилади;

фуқаролар ишга қабул қилинганда ҳамда ҳар бир ой учун иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир баробаридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланганда, ойлик иш ҳақи бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи республика бюджетидан иш берувчига (ҳар бир ишчи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробаридан ошмаган миқдорда) қайтариб берилади ҳамда уларга ижтимоий солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилган ҳолда қўлланилади;

б) тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун зарур маблағлар ва инфра-тузилма билан таъминлаш йўналишида:

ишсиз фуқароларни касбга ўргатиш ва ўз ишчиларининг малакасини ошириш бўйича ўқув марказларини куриш ва жиҳозлаш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

барча солиқлар (қўшилган қиймат солиғи ва солиқ агентлари сифатида тўланадиган солиқлар бундан мустасно) ва божхона тўловларини таъминотсиз ва фоизсиз бир йилгача муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади;

давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектлари ва ерга бўлган ҳуқуқлар аукцион орқали сотиб олинганда, тўловларни 5 йилгача муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан 5 миллиард сўмгача кафилик берилади;

50 миллиард сўм ва ундан юқори қийматдаги лойиҳаларни амалга оширганда белгиланган тартибда зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланади;

бюджет буюртмачилари билан тузиладиган шартномаларда олдиндан тўлов миқдори бир миллиард сўмгача бўлган харидлар бўйича 30 фоиздан 50 фоизга, бир миллиард сўмдан юқори бўлган харидлар бўйича 15 фоиздан 30 фоизга оширилади;

худудларда бўш турган ва бир йилдан буён аукцион савдоларида сотилмасдан турган давлат мулки бўлган бино-иншоотлар, шунингдек, касб-ҳунар коллежларининг фойдаланилмасдан бўш турган бинолари Дастур иштирокчиларига ўз ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш ҳамда «амалий мономарказ» ташкил қилиш учун фойдаланишга танлов (талабгор ягона бўлганда — тўғридан-тўғри шартнома) асосида ижара ставкасининг минимал миқдори бўйича ижарага берилади;

в) солиқ ва божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш йўналишида: қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш), шунингдек, барча солиқ турлари бўйича мавжуд ортиқча тўлов суммасини қайтариш бир кун муддатда тезлаштирилган тартибда амалга оширилади;

қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бекор қилинмайди;

товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини божхона ва солиқ органларининг ҳисоб тизимларида ўзаро ҳисобга олиш имконияти берилади;

божхона назоратини амалга оширишда «яшил йўлак» қоидалари амал қилади;

г) барча турдаги солиқ текширувлари ўтказилмайди (жиноий ишлар доирасидаги текширувлар бундан мустасно).

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда мазкур банддан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутовчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Савдо-саноат палатаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Солиқ қўмитаси ва Божхона қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Дастурни амалга ошириш жараёнларини рақамлаштириш, шу жумладан «ҳамкорлик шартномалари»ни экспертизадан ўтказиш ва тузиш, шартнома мажбуриятлари бажарилишини масофавий назорат қилиш, имтиёз ва преференцияларни тақдим этадиган вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базалари билан интеграция қилиш имкониятларига эга ахборот тизимини ишга туширсин.

9. Адлия вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ой муддатда «ҳамкорлик шартномаси» намунасини ишлаб чиқсин ва Савдо-саноат палатаси ахборот тизимига жойлаштирилишини таъминласин.

10. Дастурнинг ҳудудларда сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши 2-иловадаги\* масъул раҳбарлар зиммасига юклансин.

Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров Дастурни амалга ошириш доирасида:

вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда мазкур Фармонга 2-илласидаги масъуллар фаолиятини мувофиқлаштириб борсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларини жалб қилган ҳолда мустақил қарорлар қабул қилиш орқали ҳудудларда Дастур иштирокчилари фаолиятида юзага келадиган муаммоларнинг тезкорлик билан ҳал қилиб борилишини таъминласин.

11. Вазирлар Маҳкамаси:

а) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Мусаев) билан биргаликда:

\* 2-илова берилмайди.

икки ой муддатда Хитой тажрибаси асосида республиканинг ҳар бир худудида камбағалликни қисқартириш бўйича дастурларни ишлаб чиқсин. Бунда, камбағаллик юқори бўлган туманларда йўл-транспорт, электр, алоқа ва туризм инфратузилмасини яхшилаш ҳамда кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш, маҳаллаларни саноатлаштиришга эътибор қаратилсин;

бир ой муддатда Бўзатов, Пахтаобод, Вобкент, Дўстлик, Шаҳрисабз, Хатирчи, Чуст, Булунғур, Сирдарё, Жарқўрғон, Ўрта Чирчиқ, Ёзёвон, Урганч ва Чилонзор туманларини камбағалликдан чиқариш бўйича янги ёндашувлар, инновацион ва «яшил технологиялар» ҳамда бошқарувда замонавий ечимларни жорий этишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни қамраб олган Хукумат қарорини қабул қилсин;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов) билан биргаликда 2023 йил якунига қадар Хитой қишлоқ хўжалиги тажрибаси асосида камида 10 та юқори даромадли лойиҳаларни республика ҳудудларида жорий қилсин;

в) 2023 йил якунига қадар Хитой ўқув марказлари билан ҳамкорликда барча ҳоким ёрдамчиларининг малака ошириш курсларида ўқитилишини таъминласин;

г) ўз фаолиятида яхши натижаларга эришган 200 нафар ҳоким ёрдамчиларини Хитойга амалиёт ўташга юборилишини таъминласин;

д) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Дастурда иштирок этиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларини саралаб олиш учун автоматлаштирилган рейтинг тизимини жорий қилсин.

12. Савдо-саноат палатаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг олий таълим тизимида «Касб эгаси» дуал таълим тизимини тажриба тариқасида ишга тушириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

13. Белгилансинки, «Касб эгаси» дуал таълим тизими қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Савдо-саноат палатаси томонидан ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) корхоналарида қўшимча ишчи кучи ва уларнинг малакасига бўлган талаб шакллантирилади;

шакллантирилган иш ўринлари ва малака талаблари тўғрисида маълумотлар Палатанинг онлайн платформаси орқали ўқув муассасалари талабаларига етказилади;

талабалар томонидан танланган иш ўринлари бўйича электрон йўлланмалар тегишли корхонага етказилади;

йўлланма асосида таълим жараёнини бевосита корхоналарда амалга оширган талабалар учун корхона томонидан иш ҳақи ҳисобланади ва Бандликка қўмақлашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ой учун мазкур иш ҳақининг 2 миллион сўмгача бўлган қисми қоплаб берилади;

корхонада бўлиб ўтадиган амалий машғулотлар дастури ўқув муассасаси, корхона ва Палата томонидан тасдиқланади.

14. Белгилансинки, «Касб эгаси» дуал таълим тизими биринчи босқичда 2023/2024 ўқув йилида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 3-4-курс талабалари учун жорий қилинади.

15. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Савдо-саноат палатаси билан биргаликда икки ой муддатда «Касб эгаси» дуал таълим тизимини ташкил этишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Фармоннинг ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 12 июнь,  
ПФ–93-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**219** Маъмурий ислохотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

## 1. Қуйидагилар:

Транспорт вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Транспорт вазирлиги тизимидаги муассасаларни қайта ташкил қилиш дастури 2-иловага\*\* мувофиқ;

Транспорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси 3-иловага\*\* мувофиқ;

Транспорт соҳасини рақамлаштиришнинг устувор йўналишлари 4-иловага мувофиқ;

Транспорт соҳасини тубдан ислох қилиш бўйича «йўл харитаси» 5-иловага\*\* мувофиқ;

Транспорт вазирлигининг хусусий секторга ўтказиладиган функциялари рўйхати 6-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

## 2. Транспорт вазирлиги тузилмасида қуйидагилар:

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташини хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси негизида Транспорт вазирлиги ҳузурида Транспорт назорати инспекцияси ташкил этилсин ҳамда унга Транспорт вазирлигининг 269 та штат бирлиги ўтказилсин;

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль транспорти ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамда Ўзининг темир йўлларида эга бўлган юридик шахсларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази негизида таълим муассасаси шаклида Транспорт вазирлиги ҳузурида Транспорт соҳаси кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ташкил этилсин;

«Ўзавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш маркази» ДУК «Транспорт илмий-тадқиқот маркази» МЧЖ этиб қайта ташкил этилсин;

Транспорт вазирлиги ҳузурида ходимларининг умумий чекланган сони 36 штат бирлигидан иборат бўлган давлат муассасаси шаклидаги ягона интегратор «Рақамли транспорт» маркази ташкил этилсин.

Белгилансинки, «Рақамли транспорт» маркази Давлат бюджети ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 июнда эълон қилинган.

\*\* 2, 3, 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

молиялаштирилади. Бунда, 2024 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар йили 20 млрд сўм маблағ ажратилади.

3. Белгилансинки, Транспорт вазирлиги амалдаги вазифалари ва функциялари билан бир қаторда:

автомобиль йўллари ва йўл хўжалиги масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Халқаро муҳандислар-консультантлар федерацияси (FIDIC) амалиёти ва ҳужжатлари асосида автомобиль йўллари ва йўл хўжалиги соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилайди, автомобиль йўллари ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиради;

йўл хўжалиги соҳасида инвестиция ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

йўл хўжалиги соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлайди ҳамда ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини Транспорт вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашда кўриб чиқади.

4. Белгилансинки:

а) Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ва йўл хўжалиги соҳаларида назорат функцияларини амалга оширувчи республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади;

б) Транспорт назорати инспекциясига қўйидаги вазифалар юклатилади: автомобиль, темир йўл, сув, электр транспорти ва метрополитенда ташиш хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ўз ваколати доирасида давлат назоратини амалга ошириш;

автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган автомобилда халқаро ташишларни амалга ошириш шартларига риоя этилишини назорат қилиш;

юк ва йўловчиларни ташишда ҳайдовчиларнинг ҳамда локомотив бригадалари ишчиларининг меҳнат ва дам олиш режимини назорат қилиш;

республика ҳудудида (Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари бундан мустасно) автотранспорт воситаларининг рухсат этилган вазн ва габарит параметрларига риоя этилишини назорат қилиш;

темир йўл инфратузилмаси объектлари ва ҳаракат таркибини рўйхатдан ўтказиш орқали уларни ҳисобга олиш ва ягона реестрни юритиш;

в) Транспорт назорати инспекциясига ўз вазифаларини амалга ошириши учун қўйидаги ваколатлар берилади:

автомобилда юк ва йўловчи ташиш, темир йўл, сув, электр транспорти, метрополитен ҳамда йўл хўжалиги соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар

тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш;

автотранспорт воситасида юк ва йўловчилар ташиш қоидаларининг бузилиши визуал кузатув ёки махсус мослама ёрдамида аниқланганда, автотранспорт воситасини юк ва йўловчи ташишни назорат қилиш бўйича стационар ва мобил постларда текшириш учун тўхтатиш.

5. Қуйидаги назорат тадбирларини Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг рухсатсиз, уни хабардор қилмасдан, «хавфни таҳлил этиш» тизимини қўлламаган ҳолда (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда) амалга оширишга рухсат этилсин:

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги томонидан фуқаро авиацияси ташкилоти ва корхоналарида парвозлар хавфсизлигига риоя этилиши юзасидан Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) стандартларида белгиланган режали ва тўсатдан текширувлар ўтказиш;

Транспорт назорати инспекцияси томонидан автомобиль транспортида юк ва йўловчиларни ташиш қоидаларига риоя этилишини ташиш жараёнида рейдлар ўтказган ҳолда назорат қилиш.

Белгилансинки, Транспорт назорати инспекцияси Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилиб, «хавфни таҳлил этиш» тизимини қўлламаган ҳолда темир йўл транспортида ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги, юк ва йўловчиларни ташиш қоидалари ҳамда йўл қурилиши объектларида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши бўйича текширувларни ўтказди.

6. Транспорт вазирлигига:

Ўзбекистон Республикаси билан автомобилда халқаро ташишлар соҳасида халқаро шартномалар мавжуд бўлмаган хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ўзаро келишилган шартларда юкларни автомобилда халқаро ташишга рухсатномалар айирбошлаш;

халқаро транспорт хизматлари бозорида миллий манфаатларни ҳимоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришда хорижий давлатларнинг ташувчиларига юкларни автомобилда халқаро ташишга рухсатномаларнинг миллий ташувчилар эҳтиёжидан ортиқчасини реализация қилиш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилансинки, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги амалдаги вазифалари ва функциялари билан бир қаторда:

авиация маъмурияти ваколатлари доирасига кирадиган фуқаро ва экспериментал авиация ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти стандартларини Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларига татбиқ этиш бўйича қарор қабул қилади;

Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти стандартлари (SARPS/PANS/SUPPS) ва Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари амалиёти ўртасидаги сезиларли фарқларни аниқлайди ва Ўзбекистон Республикаси Аэрона-

вигация маълумотлари тўпламида эълон қилиш тартибини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

8. Миллий транспорт коммуникациялари орқали халқаро ва минтақавий транзитни ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда мамлакатнинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида 7-иловага\* мувофиқ таркибда Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш идоралараро кенгаши ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси транзит салоҳиятини ривожлантириш идоралараро кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

миллий транспорт коммуникациялари орқали транзит ташувларини ошириш ҳамда йўлбўйи инфратузилмасини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

республика ҳудуди бўйлаб ўтувчи транзит йўлакларининг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

транзит билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлаштириш, транзит тартиботларини янада такомиллаштириш бўйича ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига асослантирилган таклифлар киритиш.

9. Ташқи ишлар вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикаси, Қозғистон Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Эрон Ислом Республикаси ва Латвия Республикасидаги элчихоналарида транспорт масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий этиш чораларини кўрсин.

10. Вазирлик ва идоралар 2023 йил якунига қадар ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган транспорт соҳасига оид электрон маълумотлар алмашинувини ташкил этиш мақсадида 8-иловага\* мувофиқ идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базасини Транспорт вазирлигининг ахборот тизимлари билан интеграция қилсин.

11. Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2023 йил 1 сентябрга қадар жамоат транспортида ташувлар сифатини яхшилаш ва хизматлар жозибадорлигини ошириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида ташувчилар рейтингини жорий этиш юзасидан қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Давлат активларини бошқариш агентлиги Транспорт вазирлиги ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Транспорт назорати инспекциясини маъмурий ислохотлар доирасида бўшаётган биноларга беғараз жойлаштиришни таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 9-иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг марказий аппарати тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги ПҚ–4705-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

\* 7 — 9-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



15. Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бир-галикда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб транспорт вазири И.Р. Махкамов белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 14 июнь,  
ПФ-94-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 14 июндаги  
ПФ-94-сон Фармониغا  
1-ИЛОВА

**Транспорт вазирлиги фаолиятининг устувор**  
**йўналишлари**

Қуйидагилар Транспорт вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

а) интеграциялашган ягона транспорт тизими шакллантирилишини инобатга олган ҳолда иқтисодиёт ва аҳолининг транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга йўналтирилган ягона давлат йўл-транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

б) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ташкил этиш;

в) жамоат транспорти тизимини комплекс ривожлантириш, транспорт хизматлари сифати, оммабоплиги ва хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг жамоат транспортдан фойдаланиш даражасини ошириш чораларини кўриш;

г) транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг барча тоифадаги истеъмолчилар учун оммабоплигини таъминлаш, шунингдек соҳага инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган мувозанатлашган тариф сиёсатини олиб бориш;

д) транспорт хизматлари бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, мулкчилик шаклидан қатъи назар транспорт корхоналари фаолият юритишида тенг шароитларни яратиш чораларини кўриш;

е) республиканинг транзит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш,

миллий транспорт тизимининг жаҳон транспорт тизимига интеграциясини чуқурлаштириш, логистика тизимини такомиллаштириш;

ж) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шунингдек, давлат дастурларини шакллантирган ҳолда автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилаш;

з) фойдаланувчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг комплекс ечимларини ишлаб чиқиш;

и) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат назоратини амалга ошириш, фуқаро авиацияси ва экспериментал ҳаво кемаларидаги ҳалокатлар ва бахтсиз ҳодисалар, шунингдек, метрополитен, темир йўл ва сув транспортидаги авариялар ҳамда ҳалокатлар бўйича текширувларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

к) транспорт тизимини рақамлаштириш ҳамда соҳага илғор ахборот технологияларини жорий этиш ҳисобига транспортнинг барча турларини интеграция қилиш ҳамда фойдаланувчилар учун интерактив хизматлар кўламини кенгайтириш;

л) транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги халқаро ва ҳудудий ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига халқаро транспорт хизматлари бозорида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини таъминлаш;

м) жорий ва истиқболли эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда таълимнинг замонавий инновацион усул ва стандартларини тизимли равишда жорий этиш, транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 14 июндаги  
ПФ–94-сон Фармониغا  
4-ИЛОВА

### **Транспорт соҳасини рақамлаштиришнинг устувор йўналишлари**

Қуйидагилар транспорт соҳасини рақамлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳисобланади:

а) рақамли технологияларни қўллаган ҳолда республика ичида йўловчи ва юк оқимини ўрганиш орқали транспортнинг барча турларини ўз ичига олувчи Республика транспорт моделини ишлаб чиқиш;

б) транспортнинг барча турлари ҳаракатини ҳамда йўловчи ва юк ташиш коидаларига риоя этилишини онлайн кузатиш тизимини яратиш;

в) транспорт ва йўл ҳўжалиги соҳасида маълумотларни йиғиш, сақлаш ва таҳлил қилиш имкониятини берувчи «Big Data» технологиясини жорий этиш ҳамда уни транспорт хизматлари билан боғлиқ вазирлик ва идоралар билан интеграция қилиш;

г) халқаро юк ташувларида инновацион технологияларни (e-Permit, e-CMR) жорий этиш ҳамда хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни миллий ташувчилар орасида тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш;

д) транспорт соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларини амалга ошириш;

е) транспорт хизматлари фойдаланувчиларига қулайликлар яратиш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида, транспорт соҳасида кўрсатиладиган электрон хизматлар улушини ошириш;

ж) транспорт тизими корхоналари фаолиятига ахборот технологияларини кенг жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда транспорт соҳасидаги рақамлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, мониторингини амалга ошириш ва идоралараро мувофиқлаштириш;

з) транспорт хизмати фойдаланувчилари билан қайта алоқа ўрнатиш, транспорт соҳасидаги ислохотларни кенг жамоатчиликнинг таклиф ва эътирозлари асосида амалга ошириш мақсадида «Менинг транспортим» мобил иловасини ишга тушириш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**220** Фаол ишбилармонлик муҳитини шакллантиришни янада рағбатлантириш, солиқ мажбуриятини бажаришда аҳоли томонидан ортиқча харажатларга йўл қўймаслик ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида\*

Тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли билан ўтказилган очиқ мулоқотларда билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда фаол ишбилармонлик муҳитини шакллантиришни янада рағбатлантириш, солиқ мажбуриятини бажаришда аҳоли томонидан ортиқча харажатларга йўл қўймаслик, шунингдек, қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг қуйидагиларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

2023 йил 1 июнь ҳолатига жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (нотурар кўчмас мулк объектлари бундан мустасно) бўйича муддатида тўланмаган қарзига ҳисобланган пеня суммалари;

2023 йил 1 июнь ҳолатига охириги 6 ой мобайнида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган миқдорлардаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқдан вужудга келган қарзи ҳамда уларга ҳисобланган пеня ва жарималар суммаси;

2023 йил 1 июнь ҳолатига хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлиги учун қўлланган жарималар суммаси.

Белгилансинки, ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг вужудга келиш муддати 2023 йил 1 июндан бошлаб янгидан ҳисобланади.

2. Солиқ қўмитаси ва Мажбурий ижро бюроси икки ҳафта муддатда ушбу қарорнинг 1-бандидаги солиқ қарзи, пеня ва жарималарни ундириш билан боғлиқ суд ва ижро ишлари тугатилишини таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган тадбиркорлик субъектларига берилган имкониятдан фойдаланиш ва кейинги фаолиятларини йўлга қўйишда шарт-шароит яратиш чораларини кўрсин.

4. Солиқ қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда мазкур қарорнинг 1-бандига асосан ҳисобдан чиқарилган тўловлар (солиқ қарзи, пеня ва жарималар) тўғрисида жисмоний шахсларга уяли алоқа каналлари ҳамда юридик шахсларга солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетини орқали хабарнома юборилишини таъминласин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигининг 2024 йил 1 июнга қадар ер участкаларидан ҳужжатларсиз фойдаланаётган жисмоний

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 16 июнда эълон қилинган.

шахсларга ер солиғининг уч карра оширилган ставкасида солиқ ҳисоблаш тартибини тўхтатиб туриш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда мазкур банддан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Фермер хўжаликларига 2023 йил 1 июнь ҳолатига шаклланган сув солиғидан қарзини ўн икки ой мобайнида тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилсин.

Солиқ қўмитаси солиқ қарзини бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги аризаларни электрон тарзда қабул қилиб, уларнинг Солиқ кодексига белгиланган шартларсиз беш кунгача муддатда кўриб чиқирилишини таъминласин.

7. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий ресурсларни ҳисобга олиш (сотиб олиш (қуриш), ишга тушириш, қайта баҳолаш, тасарруф этиш) ҳамда ўз устав фондини (устав капиталини) шакллантириш ва камайтириш билан боғлиқ барча операцияларни солиқ органларининг «Е-актив» ахборот тизимида ихтиёрий акс эттириш тартибининг амал қилиш муддати 2024 йил 1 апрелга қадар узайтирилсин.

8. 2023 йил 1 июлдан 2024 йил 1 июлга қадар иссиқхонага ихтисослашган ер майдони 25 сотихдан кўп бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан ишчиларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини қўйидаги шартларга бир вақтнинг ўзида риоя қилинганда республика бюджетидан тадбиркорларга қайтариб бериш тартиби жорий этилсин:

хар бир беш сотих ер майдони учун ойига камида бир нафар ишчининг бандлигини таъминлаш;

хар бир ишчи учун ойига меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадни меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда белгилаш;

иссиқхонага ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари томонидан иссиқхона фаолияти бўйича олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври яқунлари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил этиши.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 14 июнь,  
ПҚ–192-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **221 Жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг эҳтиёждан ортиқча қисмини сотиш тартибини белгилаш тўғрисида\***

Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали республика ҳудудларида энергия тақчиллиги қопланишини таъминлаш, жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотиш тартибини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ–44-сон қарорига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун ўрнатиладиган қуввати 1 МВт гача бўлган қуёш, шамол ва биогаз электр станцияларида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ўз эҳтиёжидан ортиқча қисми «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва келгусида давлат томонидан электр энергиясини кафолатланган тарзда харид қилиш функцияси (ваколлати) берилган орган томонидан (кафолатланган тарзда II тариф гуруҳи истеъмолчилари учун белгиланган тарифнинг 80 фоизи миқдоридан) истеъмолчи хоҳишига кўра, камида 10 йил муддат давомида харид қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 16 февралдаги ПҚ–57-сон қарорига мувофиқ, «Қуёшли хонадон» дастури доирасида жисмоний шахсларга тегишли объектларда ўрнатилган қуёш панелларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолидан ортириб ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига (ижобий тафовут учун) Давлат бюджетидан 1 000 сўмдан субсидия ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ўз эҳтиёжидан ортиқча қисмини сотиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 15 июнда эълон қилинган.

### 3. Белгилансинки:

истеъмолчилар ўз эҳтиёжлари учун ўрнатиладиган қуввати 20 кВт гача бўлган қуёш, шамол ва биогаз электр станциялари мониторингини юритиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан қайта тикланувчи энергия манбалари ўрнатганлиги ҳақида онлайн платформа орқали «Худудий электр тармоқлари» АЖни хабардор қиладилар;

2023 йил 20 июнга қадар «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг «Электр-ҳисоб» дастури Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг «Yashil energiya» ва Солиқ қўмитасининг «Soliq» тизимлари билан интеграция қилинади;

2023 йил 20 июндан бошлаб Энергетика вазирлиги ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасига «Қуёшли хонадон» дастури доирасида ягона энергетика тизимига электр энергияси узатиш тўғрисида шартнома тузган жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ва шартномага оид маълумотлар, ягона электр энергетика тизимига узатилган ва тизимдан истеъмол қилинган электр энергияси ҳажмлари ўртасидаги ижобий тафовут (кейинги ўринларда — ижобий тафовут ҳажми) миқдори ҳақида маълумотлар тақдим этиб борилади.

### 4. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

ижобий тафовут ҳажмига субсидия ажратилиши учун жисмоний шахслар солиқ органларининг «Soliq» мобиль иловасида рўйхатдан ўтадилар;

ижобий тафовут ҳажми тўғрисидаги маълумотлар «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг биллинг тизими орқали шакллантирилиб, «Soliq» мобиль иловасига онлайн режимда тақдим этилади;

Солиқ қўмитаси томонидан ҳар ойнинг йигирма бешинчи санасидан кечиктирмай, аввалги календарь ой учун жисмоний шахсларга тўлаб бериладиган субсидияни ажратиш бўйича буюртма Иқтисодиёт ва молия вазирлигига юборилади;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги буюртмага асосан субсидия ажратиш учун зарур маблағларни Солиқ қўмитасининг вазначилик маҳсус ҳисобварағига бир иш кунидан кечиктирмай ўтказилади;

Солиқ қўмитаси томонидан ваколатли тижорат банкларида субсидия учун маҳсус ҳисобварақ очилади ва ҳар ой кейинги ойнинг йигирма бешинчи санасига қадар субсидия оладиган жисмоний шахслар реестрини ва ажратиладиган субсидияни ваколатли тижорат банкларига тақдим этиб борилади;

тижорат банки маҳсус ҳисобварақдаги маблағлар ҳисобидан субсидия оладиган жисмоний шахсларнинг банк пластик карталарига ажратилган субсидияни тўлаб беради.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси Энергетика вазирлиги ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ билан биргаликда 2023 йил 20 июнга қадар «Soliq» мобиль иловасида ижобий тафовут ҳажми онлайн режимда (киловатт соатларда) акс эттириш ва ҳар бир киловатт соат учун субсидияни мобиль илова орқали тўлаб бериш имкониятини таъминласин.

6. Энергетика вазирлиги Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

аҳоли хонадонларида ўз эҳтиёжлари учун ўрнатиладиган қуввати 1 МВт гача бўлган қуёш, шамол ва биогаз электр станцияларини ўрнатувчи пудрат ташкилотларига бўлган талабларни белгилаш, мазкур электр станцияларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича хорижий тажрибани таҳлилий ўрганиб чиққан ҳолда такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширсин;

«Худудий электр тармоқлари» АЖ «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ иштирокида жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг эҳтиёждан ортиқча қисмини сотиб олиш тўғрисидаги намунавий шартномани ишлаб чиқсин ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштирсин.

7. «Худудий электр тармоқлари» АЖ 2023 йил 1 июлга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари ўрнатилиши устидан мониторинг юритиш ва иш сифатини ошириш мақсадида тизим корхоналарида қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилган истеъмолчилар билан ишлаш бўлимларини ташкил этсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 14 июнь,  
247-сон



Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 14 июндаги 247-сон қарорига  
ИЛОВА

**Жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг эҳтиёждан ортиқча қисмини сотиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг эҳтиёждан ортиқча қисмини сотиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари қуввати 1 МВтгача бўлган қуёш, шамол ва биогаз электр станцияларида ишлаб чиқариладиган электр энергиясини сотиш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**электр энергияси** — жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қуввати 1 МВтгача бўлган қуёш, шамол ва биогаз электр станцияларида ишлаб чиқарилган электр энергияси;

**электр энергиясини ишлаб чиқарувчи** — қуввати 1 МВтгача бўлган қуёш, шамол ва биогаз электр станцияларида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг эҳтиёждан ортиқча қисмини сотувчи жисмоний ёки юридик шахс;

**электр энергиясини сотиб олувчи** — қуввати 1 МВтгача бўлган қуёш, шамол ва биогаз электр станцияларида ишлаб чиқариладиган электр энергиясини ўз тармоғига қабул қилувчи электр тармоқлари корхоналари ёки бошқа жисмоний ва юридик шахслар.

4. Электр энергияси ишлаб чиқарувчиси томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотиб олувчига сотиш томонлар ўртасида имзоланадиган олди-сотди шартномаси асосида амалга оширилади. Бунда:

жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун ўрнатиладиган қуввати 1 МВтгача бўлган қуёш, шамол ва биогаз электр станцияларида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ўз эҳтиёжидан ортиқча қисмини икки томонлама — ишлаб чиқарувчи, «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва давлат томонидан электр энергиясини сотиб олиш функцияси (ваколоти) берилган орган ўртасида тузиладиган солиштирма далолатнома расмийлаштириш орқали аниқланади ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ томонидан кафолатланган тарзда белгиланган тартибда сотиб олинади;

электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ўзи фойдаланиши учун ҳосил қилинган электр энергиясини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ўз электр тармоқлари орқали сотиши мумкин.

электр энергиясини ишлаб чиқарувчининг ўз электр тармоқлари мавжуд бўлмаган ҳолатларда «Худудий электр тармоқлари» АЖ тармоғидан транзит хизматлари учун идоралараро тариф комиссияси ҳужжатларида белгиланган тариф асосида тўловларни амалга оширган ҳолда бошқа жисмоний ва юридик шахсларга етказиб берилади.

Жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг эҳтиёждан ортиқча қисмини сотиш мазкур низомга иловада келтирилган схемага\* мувофиқ амалга оширилади.

### **2-боб. Электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва электр энергиясини сотиб олувчи ўртасида олди-сотди шартномасини тузиш тартиби**

5. Электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ўз эҳтиёжидан ортиқча бўлган электр энергиясини сотиш бўйича электр энергиясини сотиб олувчига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда таклиф юборади:

электр энергиясини ишлаб чиқарувчининг қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг техник тавсифи;

электр энергиясини ишлаб чиқарувчининг қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини электр тармоқларига улаш схемасининг нусхаси;

ойлар кесимида бир йил давомида электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг прогноз йиллик ҳажмлари;

электр энергиясини ишлаб чиқарувчи томонидан имзоланган электр энергияси олди-сотди шартномаси.

6. Электр энергиясини сотиб олувчи мурожаат келиб тушган санадан бошлаб 10 иш куни мобайнида электр энергиясини ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни техник ва иқтисодий жиҳатдан ўрганиб чиққанидан сўнг томонлар ўртасида электр энергияси олди-сотди шартномаси имзоланади.

7. Томонлар ўртасида тузиладиган электр энергияси олди-сотди шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

### **3-боб. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби**

8. Электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва сотиб олувчи Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ электр энергиясини узатиш ва истеъмолини ҳисобга олиш ускуна АСКУЭ тизимида мос (прибор) ларини ўрнатади.

9. Етказиб берилган электр энергияси учун тўловлар ҳисоб-китоб ойдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар:

«Қуёшли хонадон» дастури доирасида жисмоний шахсларга тегишли объектларда ўрнатилган қуёш панелларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъ-

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

молидан орттириб ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига (ижобий тафовут) Давлат бюджетидан 1 000 сўмдан субсидия ажратилади («Soliq» мобиль иловаси орқали);

жисмоний ва юридик шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун ўрнатиладиган қуввати 1 МВтгача бўлган қуёш, шамол ва биогаз электр станцияларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолидан орттириб ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига (кафолатланган тарзда II тариф гуруҳи истеъмомчилари учун белгиланган тарифнинг 80 фоизи миқдорида) «Худудий электр тармоқлари» АЖ томонидан тўлаб берилади (ушбу банднинг иккинчи хатбошиси бундан мустасно).

10. Ҳисоб-китоб ойдан кейинги ойднинг 5-санасига қадар электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва сотиб олувчи етказиб берилган ва қабул қилинган электр энергияси тўғрисида электр энергиясини узатиш ва истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари маълумотларини ўзаро алмашади.

11. Электр энергиясини сотиб олувчи ишлаб чиқарувчига ҳисоб-китоб ойи учун ўз электр тармоғига қабул қилиб олган электр энергияси ҳажми учун шартномада ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб ва тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

12. Ҳисоб-китоб ойда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи томонидан сотиб олувчининг электр тармоғига етказиб берилган электр энергияси ҳажми сотиб олувчи томонидан шу давр мобайнида қабул қилиб олинган электр энергияси ҳажмида фарқлар вужудга келган тақдирда, ишлаб чиқарувчи томонидан етказиб берилган электр энергиясининг миқдори томонлар ўртасида имзоланадиган кўрсаткичларни солиштириш далолатномаси асосида аниқланади.

13. Юридик шахслар ягона энергетика тизимидан олган электр энергияси учун амалда белгиланган тарифлар асосида «Худудий электр тармоқлари» АЖ билан ҳисоб-китобни амалга оширади, ўз навбатида, ушбу истеъмомчилар объектларида жорий этилган қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқарилган ва эҳтиёжидан ортган қисмини II тариф гуруҳи истеъмомчилари учун белгиланган тарифнинг 80 фоизи миқдорида «Худудий электр тармоқлари» АЖга сотади.

Бунда ягона энергетика тизимидан олинган ва ўз эҳтиёжидан орттириб тармоққа узатилган электр энергияси учун электрон ҳисоб-фактура ва солиштирма далолатнома тақдим этиш орқали ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

14. Вужудга келган фарқлар юзасидан тўловлар, агар шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, электр энергияси учун жорий сотиш тарифида амалга оширилади.

15. Электр энергиясини сотиб олувчи ишлаб чиқарувчи томонидан етказиб берилган электр энергияси миқдори учун электр энергиясини узатиш ва истеъмолини ҳисобга олиш ускунаси (прибор)нинг маълумотларига кўра томонлар ўртасида имзоланган кўрсаткичларни солиштириш далолатномаси ва

ҳисоб-фактурани олган кундан бошлаб 10 иш куни ичида тўловларни амалга оширади.

**4-боб. Яқунловчи қоида**

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING  
BUYRUG‘I****222** **Xodim bilan to‘liq yakka tartibdagi moddiy javobgarlik  
yoki jamoaning (brigadaning) to‘liq moddiy javobgarligi  
to‘g‘risida shartnoma tuzish bo‘yicha tavsiyalarni tasdiqlash haqida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
12-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3443*

O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksining 343-moddasiga muvofiq  
**buyuraman:**

1. Xodim bilan to‘liq yakka tartibdagi moddiy javobgarlik yoki jamoaning  
(brigadaning) to‘liq moddiy javobgarligi to‘g‘risida shartnoma tuzish bo‘yicha  
tavsiyalar ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi va  
O‘zbekiston Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**B. MUSAYEV**

Toshkent sh.,  
2023-yil 15-may,  
11-2023/B-son

*Kelishildi:*

**O‘zbekiston Kasaba uyushmalari  
Federatsiyasi raisi**

**K. RAFIKOV**

*2023-yil 12-may*

**Savdo-sanoat  
palatasi raisi**

**D. VAXABOV**

*2023-yil 5-may*

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 13-iyunda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining  
2023-yil 15-maydagi 11-2023/B-son buyrug'iga  
ILOVA

**Xodim bilan to'liq yakka tartibdagi moddiy javobgarlik  
yoki jamoaning (brigadaning) to'liq moddiy javobgarligi  
to'g'risida shartnoma tuzish bo'yicha  
TAVSIYALAR**

Mazkur Tavsiyalar xodim bilan to'liq yakka tartibdagi moddiy javobgarlik yoki jamoaning (brigadaning) to'liq moddiy javobgarligi to'g'risida shartnoma tuzish bo'yicha tavsiyalarni belgilaydi.

**1-bob. Umumiy qoidalar**

1. Mazkur Tavsiyalarda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

**to'liq moddiy javobgarlik** — to'liq moddiy javobgarlik to'g'risidagi shartnoma asosida pul yoki tovar qimmatliklari bilan bevosita muomala qilayotgan xodimga ishonib topshirilgan qimmatliklarning but saqlanishini ta'minlamaganlik uchun qo'llaniladigan javobgarlik turi;

**yakka tartibdagi to'liq moddiy javobgarlik to'g'risida shartnoma** — pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlash maqsadida ushbu qimmatliklar bilan bevosita muomala qilayotgan xodim va ish beruvchi o'rtasida tuziladigan shartnoma;

**jamoaning (brigadaning) to'liq moddiy javobgarligi to'g'risida shartnoma** — xodimlar o'ziga topshirilgan qimmatliklarni saqlash, ularga ishlov berish, ularni sotish (chiqarish), tashish, qo'llash yoki ulardan boshqacha tarzda foydalanish bilan bog'liq bo'lgan alohida ish turlarini birgalikda bajarganda, shuningdek har bir xodimning zarar yetkazganlik uchun javobgarligini chegaralash va u bilan yakka tartibdagi to'liq moddiy javobgarlik to'g'risida shartnoma tuzish imkoni bo'lmaganda ish beruvchi va jamoa (brigada) o'rtasida tuziladigan shartnoma.

2. Xodim bilan to'liq yakka tartibdagi moddiy javobgarlik yoki jamoaning (brigadaning) to'liq moddiy javobgarligi to'g'risida shartnomaning namunaviy shakli mazkur Tavsiyalarning ilovasida nazarda tutilgan.

**2-bob. Yakka tartibdagi to'liq moddiy javobgarlik yoki jamoaning  
(brigadaning) to'liq moddiy javobgarligi to'g'risida shartnomalarga  
qo'yiladigan talablar**

3. Yakka tartibdagi to'liq moddiy javobgarlik yoki jamoaning (brigadaning) to'liq moddiy javobgarligi to'g'risida shartnomalarda quyidagilar ko'rsatilishi kerak:

davlat organi yoki boshqa tashkilotning nomi, ish beruvchi va xodimning (xodimlarning) (bundan buyon matnda taraflar deb yuritiladi) egallab turgan lavozimi, familiyasi, ismi va otasining ismi;

xodimga yoki jamoaga (brigadaga) topshiriladigan pul yoki tovar qimmatliklarining nomi, soni va holati (butligi);

taflarning huquqlari, majburiyatlari va javobgarligi;

xodimning moddiy javobgarligini istisno etuvchi holatlar;

yetkazilgan zarar uchun to'liq moddiy javobgarlik xodimning zimmasiga yuklatiladigan holatlar;

xodim yoki jamoa (brigada) tomonidan ish beruvchiga zarar yetkazilganda ushbu zararning miqdori va uni aniqlash tartibi;

taflarning rekvizitlari.

4. Xodim yoki jamoa (brigada) ularga ishonib topshirilgan pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlashda quyidagi huquqlarga ega:

xodim yoki jamoa (brigada) ish beruvchi yoki uning vakilidan ularga ishonib topshirilgan pul yoki tovar qimmatliklarini but holda qabul qilish;

xodimga yoki jamoaga (brigadaga) ishonib topshirilgan pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlash uchun tegishli hujjat va ma'lumotlar bilan tanishish;

xodim yoki jamoa (brigada) o'ziga ishonib topshirilgan pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlash uchun zarur shart-sharoitlarga ega bo'lish.

5. Xodim yoki jamoa (brigada) o'ziga ishonib topshirilgan pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlashda quyidagilarga majbur hisoblanadi:

xodim yoki jamoa (brigada) o'ziga ishonib topshirilgan pul yoki tovar qimmatliklarini but saqlash va ularga shikast yetkazmaslik;

xodimga yoki jamoaga (brigadaga) ishonib topshirilgan tovar qimmatliklarni qarovsiz qoldirmaslik;

tabiiy yoki texnogen xususiyatga ega halokatlar, ishlab chiqarishdagi avariyaalar, ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalar, yong'inlar, toshqinlar, zilzilalar, epidemiyalar yoki epizootiyalar ro'y bergan taqdirda, shuningdek boshqa shaxslar tomonidan pul yoki tovar qimmatliklari talon-toroj qilinganda bu haqda shu kunning o'zida og'zaki yoki yozma yoxud elektron shaklda ish beruvchiga yoki uning vakiliga xabar berish.

6. Ish beruvchi pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlashda quyidagi huquqlarga ega:

xodimdan yoki jamoadan (brigadadan) pul yoki tovar qimmatliklarini but holda saqlanishini talab qilish;

aybdor bo'lgan xodimdan yoki jamoadan (brigadadan) zararning o'rnini qoplashni talab qilish;

moddiy zarar yetkazilgan aniq sharoitlarni hisobga olgan holda zararni aybdor bo'lgan xodimdan yoki jamoadan (brigadadan) to'liq yoki qisman undirishdan voz kechish.

7. Ish beruvchi pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlashda quyidagilarga majbur hisoblanadi:

xodimga yoki jamoaga (brigadaga) pul yoki tovar qimmatliklarini but holda topshirish;

xodimga yoki jamoaga (brigadaga) ishonib topshirilgan pul yoki tovar

qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlash uchun tegishli hujjat va ma'lumotlar bilan tanishtirish;

xodimga yoki jamoaga (brigadaga) pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlash uchun zarur shart-sharoitlar yaratish.

8. Zarar uni bartaraf etib bo'lmaydigan kuch, oqlangan xo'jalik tavakkalchiligi, oxirgi zarurat yoki zaruriy mudofaa yoxud ish beruvchining xodimga ishonib topshirilgan mol-mulkni saqlash uchun zarur shart-sharoitlarni ta'minlash bo'yicha majburiyatini bajarmaganligi oqibatida yuzaga kelgan hollarda xodimning moddiy javobgarligi istisno etiladi.

9. Yetkazilgan zarar uchun to'liq miqdordagi moddiy javobgarlik quyidagi hollarda xodimning zimmasiga yuklatiladi:

to'liq moddiy javobgarlik to'g'risidagi shartnoma asosida o'ziga ishonib topshirilgan qimmatliklarning kamomadida;

xodim tomonidan bir martalik hujjat (masalan, tovar-moddiy qimmatliklarni olish ishonchnomasi, qabul qilish-topshirish dalolatnomasi) bo'yicha olingan boyliklarning but saqlanishi ta'minlanmaganda;

qasddan zarar yetkazilganda;

alkogolli ichimlikdan, giyohvandlik yoki toksik modda ta'siridan mastlik holatida zarar yetkazilganda;

xodimning sud tomonidan aniqlangan jinoiy harakatlari natijasida zarar yetkazilganda;

ma'muriy huquqbuzarlik natijasida zarar yetkazilganda, agar bu tegishli davlat organi yoki sud tomonidan aniqlangan bo'lsa;

davlat sirlarini yoki qonun bilan qo'riqlanadigan boshqa sirni (tijorat, xizmat sirini yoki boshqa sirlarni) tashkil etuvchi ma'lumotlar oshkor qilinganda;

xodim mehnat majburiyatlarini bajarmagan taqdirda zarar yetkazilganda.

10. Yakka tartibdagi to'liq moddiy javobgarlik yoki jamoaning (brigadaning) to'liq moddiy javobgarligi to'g'risida shartnoma bir xil kuchga ega bo'lgan kamida ikki nusxada yozma shaklda tuziladi.

Yakka tartibdagi to'liq moddiy javobgarlik yoki jamoaning (brigadaning) to'liq moddiy javobgarligi to'g'risida shartnoma taraflar tomonidan imzolanadi.

11. Yakka tartibdagi to'liq moddiy javobgarlik yoki jamoaning (brigadaning) to'liq moddiy javobgarligi to'g'risida shartnomaning bir nusxasi xodimga yoki jamoaning (brigadaning) har bir a'zosiga beriladi, boshqasi (boshqalari) ish beruvchida saqlanadi.

Bunda, yakka tartibdagi to'liq moddiy javobgarlik yoki jamoaning (brigadaning) to'liq moddiy javobgarligi to'g'risida shartnomaning nusxasi xodimga yoki jamoaning (brigadaning) har bir a'zosiga uni olganligi to'g'risidagi imzosini qo'ydirgan holda taqdim etiladi.



Xodim bilan to'liq yakka tartibdagi moddiy javobgarlik yoki jamoaning (brigadaning) to'liq moddiy javobgarligi to'g'risida shartnoma tuzish bo'yicha tavsiyalarga  
ILOVA

**Xodim bilan to'liq yakka tartibdagi moddiy javobgarlik yoki jamoaning (brigadaning) to'liq moddiy javobgarligi to'g'risida shartnomaning  
NAMUNAVIY SHAKLI**

\_\_\_-son shartnoma

\_\_\_\_\_ “ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ yil  
(shartnoma tuzilgan joy)

1. \_\_\_\_\_  
(tashkilot to'liq nomi va rahbarining familiyasi, ismi va otasining ismi)

nomidan

(bundan buyon matnda ish beruvchi deb yuritiladi) va fuqaro

\_\_\_\_\_ (familiyasi, ismi va otasining ismi)

(bundan buyon matnda xodim yoki jamoa (brigada) deb yuritiladi) o'rtasida mazkur shartnoma quyidagilar haqida tuzildi:

2. Xodimning yoki jamoaning (brigadaning) egallab turgan lavozimi \_\_\_\_\_

3. Xodimga yoki jamoaga (brigadaga) topshiriladigan pul yoki tovar qimmatliklari nomi, soni va holati (butligi): \_\_\_\_\_

4. Xodim yoki jamoa (brigada) ularga ishonib topshirilgan pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlashda quyidagi huquqlarga ega:

xodim yoki jamoa (brigada) ish beruvchi yoki uning vakilidan ularga ishonib topshirilgan pul yoki tovar qimmatliklarini but holda qabul qilish;

xodimga yoki jamoaga (brigadaga) ishonib topshirilgan pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlash uchun tegishli hujjat va ma'lumotlar bilan tanishish;

xodim yoki jamoa (brigada) o'ziga ishonib topshirilgan pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlash uchun zarur shart-sharoitlarga ega bo'lish.

5. Xodim yoki jamoa (brigada) o'ziga ishonib topshirilgan pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlashda quyidagilarga majbur hisoblanadi:

xodim yoki jamoa (brigada) o'ziga ishonib topshirilgan pul yoki tovar qimmatliklarini but saqlash va ularga shikast yetkazmaslik;

xodimga yoki jamoaga (brigadaga) ishonib topshirilgan tovar qimmatliklarni qarovsiz qoldirmaslik;

tabiiy yoki texnogen xususiyatga ega halokatlar, ishlab chiqarishdagi avariyaalar, ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalar, yong'inlar, toshqinlar, zilzilalar, epidemiyalar yoki epizootiyalar ro'y bergan taqdirda, shuningdek boshqa shaxslar tomonidan pul yoki tovar qimmatliklari talon-toroj qilinganda bu haqda shu kunning o'zida og'zaki yoki yozma yoxud elektron shaklda ish beruvchiga yoki uning vakiliga xabar berish.

6. Ish beruvchi pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlashda quyidagi huquqlarga ega:

xodimdan yoki jamoadan (brigadadan) pul yoki tovar qimmatliklarini but holda saqlanishini talab qilish;

aybdor bo'lgan xodimdan yoki jamoadan (brigadadan) zararning o'rnini qoplashni talab qilish;

moddiy zarar yetkazilgan aniq sharoitlarni hisobga olgan holda zararni aybdor bo'lgan xodimdan yoki jamoadan (brigadadan) to'liq yoki qisman undirishdan voz kechish.

7. Ish beruvchi pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlashda quyidagilarga majbur hisoblanadi:

xodimga yoki jamoaga (brigadaga) pul yoki tovar qimmatliklarini but holda topshirish;

xodimga yoki jamoaga (brigadaga) ishonib topshirilgan pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlash uchun tegishli hujjat va ma'lumotlar bilan tanishtirish;

xodimga yoki jamoaga (brigadaga) pul yoki tovar qimmatliklarining but saqlanishini ta'minlash uchun zarur shart-sharoitlar yaratish.

8. Yetkazilgan zarar uchun to'liq miqdordagi moddiy javobgarlik quyidagi hollarda xodimning zimmasiga yuklatiladi:

to'liq moddiy javobgarlik to'g'risidagi shartnoma asosida o'ziga ishonib topshirilgan qimmatliklarning kamomadida;

xodim tomonidan bir martalik hujjat (masalan, tovar-moddiy qimmatliklarni olish ishonchnomasi, qabul qilish-topshirish dalolatnomasi) bo'yicha olingan boyliklarning but saqlanishi ta'minlanmaganda;

qasddan zarar yetkazilganda;

alkogolli ichimlikdan, giyohvandlik yoki toksik modda ta'siridan mastlik holatida zarar yetkazilganda;

xodimning sud tomonidan aniqlangan jinoiy harakatlari natijasida zarar yetkazilganda;

ma'muriy huquqbuzarlik natijasida zarar yetkazilganda, agar bu tegishli davlat organi yoki sud tomonidan aniqlangan bo'lsa;

davlat sirlarini yoki qonun bilan qo'riqlanadigan boshqa sirni (tijorat, xizmat sirini yoki boshqa sirlarni) tashkil etuvchi ma'lumotlar oshkor qilinganda;

xodim mehnat majburiyatlarini bajarmagan taqdirda zarar yetkazilganda.

9. Zarar uni bartaraf etib bo'lmaydigan kuch, oqlangan xo'jalik tavakkalchiligi, oxirgi zarurat yoki zaruriy mudofaa yoxud ish beruvchining xodimga ishonib topshirilgan mol-mulki saqlash uchun zarur shart-sharoitlarni ta'minlash bo'yicha

majburiyatini bajarmaganligi oqibatida yuzaga kelgan hollarda xodimning moddiy javobgarligi istisno etiladi.

10. Yakka tartibdagi to'liq moddiy javobgarlik yoki jamoaning (brigadaning) to'liq moddiy javobgarligi to'g'risida shartnomaning bir nusxasi xodimga yoki jamoaning (brigadaning) har bir a'zosiga beriladi, boshqasi (boshqalari) ish beruvchida saqlanadi.

Bunda, yakka tartibdagi to'liq moddiy javobgarlik yoki jamoaning (brigadaning) to'liq moddiy javobgarligi to'g'risida shartnomaning nusxasi xodimga yoki jamoaning (brigadaning) har bir a'zosiga uni olganligi to'g'risidagi imzosini qo'ydirgan holda taqdim etiladi.

### Taraflarning yuridik manzillari va rekvizitlari:

#### Xodim yoki jamoa (brigada)

#### Ish beruvchi

---

(familiyasi, ismi va otasining ismi)

---

(familiyasi, ismi va otasining ismi)

---

(pasport yoki ID-karta ma'lumotlari)

---

(tashkilot nomi)

---

(manzil, telefon raqam)

---

(manzil, telefon raqam)

---

(pasport seriyasi va raqami)

---

(STIR va bank rekvizitlari)

---

(sana va imzo)

---

(sana, imzo va muhr)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**223** Вино ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1754-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 5 ноябрдаги М-44-сон буйруғи (рўйхат рақами 1754, 2007 йил 27 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 545-модда) билан тасдиқланган Вино ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 5 ноябрдан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 6 июнь,  
21-2023/Б-сон

Ўзбекистон Республикаси  
камбағалликни қисқартириш ва бандлик  
вазирининг 2023 йил 6 июндаги  
21-2023/Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Вино ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси  
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3 ва 5-бандлардаги «давлат стандартлари» деган сўзлар «миллий стандартлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4-банддаги «Давлат стандартларининг» деган сўзлар «миллий стандартларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 15 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**224** Фармацевтика ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1887-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2008 йил 17 декабрдаги 76-сон буйруғи (рўйхат рақами 1887, 2009 йил 19 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 4-сон, 29-модда) билан тасдиқланган Фармацевтика ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандидаги «Давлат стандартларининг» деган сўзлар «миллий стандартларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 5 ноябрдан эътиборан кучга кирази.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 6 июнь,  
22-2023/Б-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 15 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**225** Автоклавларда ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1913-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 февралдаги 5/1-сон буйруғи (рўйхат рақами 1913, 2009 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Автоклавларда ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 3-бандидаги «давлат стандартларининг» деган сўзлар «миллий стандартларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 5 ноябрдан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 6 июнь,  
23-2023/Б-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 15 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**226 Соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг ошхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1940-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 16 мартдаги 13/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1940, 2009 йил 16 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 205-модда) билан тасдиқланган Соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг ошхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандидаги «давлат стандартлари» деган сўзлар «миллий стандартлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 5 ноябрдан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 6 июнь,  
24-2023/Б-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 15 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТОҒ-КОН САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**227** «Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларни техник жиҳатдан текшириш тартиби тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2558-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 мартдаги ЎРҚ–759-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаъри-ни геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2014 йил 9 январдаги 5-сон «Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларни техник жиҳатдан текшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2558, 2014 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 6-сон, 69-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. ИСЛАМОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 30 май,  
3-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 14 июнда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
Тоғ-кон саноати ва геология вазирининг  
2023 йил 30 майдаги 3-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларни  
техник жиҳатдан текшириш тартиби тўғрисида»ги буйруққа  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқ муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**».

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом хавфли ишлаб чиқариш объектларида аварияларни техник жиҳатдан текшириш тартибини белгилайди.»;

б) 3-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси бошлигининг буйруғи билан ташкил этиладиган ва инспекция вакили бошчилик қиладиган Хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текширувчи комиссия (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.»;

г) 10-банддаги «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раиси» деган сўзлар «Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 16-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «паспорти серияси ва рақами» деган сўзлар «паспорти ёки идентификацияловчи ID-картасининг серияси ва рақами» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТОҒ-КОН САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**228** Портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2803-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 мартдаги ЎРҚ–759-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 27 октябрдаги ЎРҚ–797-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги 269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2016 йил 20 майдаги 54-сон буйруғи (рўйхат рақами 2803, 2016 йил 20 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 25-сон, 310-модда) билан тасдиқланган Портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. ИСЛАМОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 30 май,  
4-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 16 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
тоғ-кон саноати ва геология вазирининг  
2023 йил 30 майдаги 4-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартибини белгилайди.».

2. 4-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг (бошлиқ ўринбосарининг) буйруғи билан тузиладиган ҳудудий бошқарма вакили раислик қиладиган Портловчи материалларнинг йўқолиши сабабларини техник жиҳатдан текшириш комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Комиссия йўқолган портловчи материалларнинг тури, номи, миқдори, хоссалари, йўқолган жой ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси вакили раислик қиладиган таркибда тузилиши мумкин.».

4. 9-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тегишлича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий ички ишлар органлари деб юритилади) вакили (вакиллари) (Комиссияга Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясининг вакили раислик қилганда — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги вакили (вакиллари));».

5. 12-банддаги «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар «Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 14-банддаги «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раиси» деган сўз-

лар «Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 20-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «паспорт серияси ва рақами» деган сўзлар «паспорти ёки идентификацияловчи ID-картасининг серияси ва рақами» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 24-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига (Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси вакили Комиссия раиси бўлганда);».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**229** Суд бинолари, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 25-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2022 йил 21 декабрдаги ПҚ–447-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардияси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 11-87 ва 20-сон қарори (рўйхат рақами 2981, 2018 йил 15 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2018 й., 10/18/2981/0900-сон) билан тасдиқланган Суд бинолари, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 25-банди ўн олтинчи хатбошисидаги «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар «қўмиталарнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий суд раиси**

Тошкент ш.,  
2023 йил 18 май,  
352-сон

**Б. ИСЛАМОВ**

**Ички ишлар вазири**

Тошкент ш.,  
2023 йил 17 май,  
21-сон

**П. БОБОЖОНОВ**

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 16 июнда эълон қилинган.

**Миллий гвардия қўмондони**

**Р. ДЖУРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 4 май,  
1/1Е-709-сон

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MAKTABGACHA VA MAKTAB TA’LIMI VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**230 Umumiy o‘rta ta’lim muassasasining kuzatuv kengashi  
haqidagi namunaviy nizomga o‘zgartirishlar kiritish  
to‘g‘risida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil  
16-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3118-2*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrda PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma’muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi xalq ta’limi vazirining 2018-yil 26-dekabrda 16-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3118, 2019-yil 11-yanvar) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 14.01.2019-y., 10/19/3118/2468-son) bilan tasdiqlangan Umumiy o‘rta ta’lim muassasasining kuzatuv kengashi haqidagi namunaviy nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**X. UMAROVA**

Toshkent sh.,  
2023-yil 5-iyun,  
3-mh-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 16-iyunda e’lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
maktabgacha va maktab ta'limi vazirining  
2023-yil 5-iyundagi 3-mh-son buyrug'iga  
ILOVA

**Umumiy o'rta ta'lim muassasasining kuzatuv kengashi haqidagi  
namunaviy nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 12-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“12. Kengashning birinchi yig'ilishi tuman (shahar) maktabgacha va maktab ta'limi bo'limi tomonidan tegishli ta'lim muassasasida tashkil etiladi.

Bevosita O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi yoki Qoraqalpog'iston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar maktabgacha va maktab ta'limi boshqarmalariga (bundan buyon matnda hududiy boshqarmalar deb yuritiladi) bo'ysunadigan ta'lim muassasalarida Kengashning birinchi yig'ilishi tegishlicha O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi yoki uning hududiy boshqarmalari tomonidan tegishli ta'lim muassasasida tashkil etiladi.”.

2. 23 va 29-bandlardagi “Xalq ta'limi vazirligi” degan so'zlar “Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 24-banddagi “tuman (shahar) xalq ta'limi bo'limi” degan so'zlar “tuman (shahar) maktabgacha va maktab ta'limi bo'limi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**231** Каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун  
меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўз-  
гартириш киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1951-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қону-  
нига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қи-  
лиш вазирининг 2009 йил 3 апрелдаги 13-1/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами  
1951, 2009 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўп-  
лами, 2009 й., 19-20-сон, 238-модда) билан тасдиқланган Каноп-жут ишлаб  
чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидала-  
рининг 2-бандидаги «Давлат стандартлари» деган сўзлар «миллий стандарт-  
лар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 5 ноябрдан эътиборан кучга кирази.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 9 июнь,  
27-2023/Б-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**232** Чой ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1957-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 17 апрелдаги 13-4/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1957, 2009 йил 14 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 19-20-сон, 247-модда) билан тасдиқланган Чой ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандидаги «Давлат стандартлари» деган сўзлар «миллий стандартлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 5 ноябрдан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 9 июнь,  
28-2023/Б-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**233** Иккиламчи хом ашё тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1966-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 30 апрелдаги 18/Б-1-сон буйруғи (рўйхат рақами 1966, 2009 йил 11 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 24-сон, 279-модда) билан тасдиқланган Иккиламчи хом ашё тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 3-бандидаги «Давлат стандартларининг» деган сўзлар «миллий стандартларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 5 ноябрдан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 9 июнь,  
29-2023/Б-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**234** **Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1967-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 8 майдаги 19/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1967, 2009 йил 11 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 24-сон, 280-модда) билан тасдиқланган Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 3-бандидаги «давлат стандартлари» деган сўзлар «миллий стандартлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 5 ноябрдан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 9 июнь,  
30-2023/Б-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**235** Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ходимлари учун  
меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш  
тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1755-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 5 ноябрдаги М-45-сон буйруғи (рўйхат рақами 1755, 2007 йил 27 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 546-модда) билан тасдиқланган Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 5 ноябрдан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 12 июнь,  
32-2023/Б-сон

Ўзбекистон Республикаси  
камбағалликни қисқартириш ва  
бандлик вазирининг 2023 йил 12 июндаги  
32-2023/Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат  
муҳофазаси қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3 ва 5-бандлардаги «давлат стандартлари» деган сўзлар «миллий стандартлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4-банддаги «Давлат стандартларининг» деган сўзлар «миллий стандартларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**236** Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида  
меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўз-  
гартириш киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1971-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қону-  
нига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қи-  
лиш вазирининг 2009 йил 8 июндаги 29/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1971,  
2009 йил 18 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2009 й., 25-сон, 293-модда) билан тасдиқланган Ободонлаштириш ва кўка-  
ламзорлаштириш ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бан-  
дидаги «давлат стандартларининг» деган сўзлар «миллий стандартларнинг»  
деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 5 ноябрдан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 12 июнь,  
33-2023/Б-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**237** Отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришда  
меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўз-  
гартириш киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1973-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қону-  
нига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қи-  
лиш вазирининг 2009 йил 2 июндаги 23/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1973,  
2009 йил 25 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2009 й., 26-сон, 306-модда) билан тасдиқланган Отлар билан ташиш ва бош-  
қа ишларни бажаришда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бан-  
дидаги «давлат стандартларининг» деган сўзлар «миллий стандартларнинг»  
деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 5 ноябрдан эътиборан кучга кирази.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 12 июнь,  
34-2023/Б-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**238** Сигирлар ва насл буқаларни парвариш қилишда меҳнат-  
ни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгарти-  
риш киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1977-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қону-  
нига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қи-  
лиш вазирининг 2009 йил 2 июндаги 24/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1977,  
2009 йил 1 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2009 й., 27-сон, 319-модда) билан тасдиқланган Сигирлар ва насл буқаларни  
парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандидаги  
«давлат стандартлари» деган сўзлар «миллий стандартлар» деган сўзлар би-  
лан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 5 ноябрдан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 14 июнь,  
46-2023/Б-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июнда эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**239** Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2067-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 10 декабрдаги 75/1-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2067, 2010 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 5 ноябрдан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 14 июнь,  
43-2023/Б-сон

Ўзбекистон Республикаси  
камбағалликни қисқартириш ва  
бандлик вазирининг 2023 йил 14 июндаги  
43-2023/Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш  
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 23-банддаги «давлат стандартлари» деган сўзлар «миллий стандартлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 24-банддаги «давлат стандартларига» деган сўзлар «миллий стандартларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 17 июнда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. O'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2023-yil 15-maydagi 11-2023/B-son "Xodim bilan to'liq yakka tartibdagi moddiy javobgarlik yoki jamoaning (brigadaning) to'liq moddiy javobgarligi to'g'risida shartnoma tuzish bo'yicha tavsiyalarni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

***2023-yil 12-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3443.***

2. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 6 июндаги 21-2023/Б-сон «Вино ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1754-4.***

3. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 6 июндаги 22-2023/Б-сон «Фармацевтика ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1887-2.***

4. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 6 июндаги 23-2023/Б-сон «Автоклавларда ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1913-1.***

5. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 6 июндаги 24-2023/Б-сон «Соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг ошхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1940-2.***

6. Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазирининг 2023 йил 30 майдаги 3-сон «Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларни техник жиҳатдан текшириш тартиби тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2023 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2558-2.***

7. Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазирининг

2023 йил 30 майдаги 4-сон «Портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2803-2.**

8. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йил 18 майдаги 352-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил 17 майдаги 21-сон ва Миллий гвардиясининг 2023 йил 4 майдаги 1/1Е-709-сон «Суд бинолари, суд процеслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 25-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981-4.**

9. O'zbekiston Respublikasi maktabgacha va maktab ta'limi vazirining 2023-yil 5-iyundagi 3-mh-son "Umumiy o'rta ta'lim muassasasining kuzatuv kengashi haqidagi namunaviy nizomga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

**2023-yil 16-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3118-2.**

10. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 9 июндаги 27-2023/Б-сон «Каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1951-2.**

11. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 9 июндаги 28-2023/Б-сон «Чой ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1957-2.**

12. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 9 июндаги 29-2023/Б-сон «Иккиламчи хом ашё тайёрлаш омборхоналари, база ва пунктлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1966-3.**

13. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 9 июндаги 30-2023/Б-сон «Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1967-3.**

14. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 12 июндаги 32-2023/Б-сон «Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1755-4.**

15. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 12 июндаги 33-2023/Б-сон «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1971-2.**

16. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 12 июндаги 34-2023/Б-сон «Отлар билан ташиш ва бошқа ишларни бажаришда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1973-1.**

17. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 14 июндаги 46-2023/Б-сон «Сигирлар ва насл буқаларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1977-1.**

18. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2023 йил 14 июндаги 43-2023/Б-сон «Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2067-2.**